

ЎЎТ:633.31/37;631.84

ШИРИН МАККАЖЎХОРИ НАВЛАРИНИНГ БИОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Файзуллаева Дилдора Улугбековна

мустақил изланувчи. Жанубий

деҳқончилик илмий тадқиқот институти

Аннотация: Ушбу мақолада Қашқадарё вилоятининг суғориладиган майдонлари, оч-тусли бўз тупроқ шароитларида ширин маккажўхорининг «Замон» ва «Мазза» навларини асосий экин сифатида экилганда экин зичлиги (111, 74 ва 55 минг ўсимлик/га) ва ўғит меъёри (соф ҳолда N₁₂₀ P₁₀₀ K₆₀, N₁₅₀ P₁₂₀ K₇₅, N₁₈₀ P₁₄₀ K₉₀) қўллашнинг ўсимлик бўйига таъсири ўрганилган.

Калит сўзлар: Дон, ширин маккажўхори, маккажўхори навлари, асосий, вариант, экин зичлиги, ўғит меъёри, ўсимлик бўйи.

Аннотация: В данной статье рассмотрены густота посадки (111, 74, и 55 тысяча растений/га) и норма удобрений (N₁₂₀ P₁₀₀ K₆₀, N₁₅₀ P₁₂₀ K₇₅, N₁₈₀ P₁₄₀ K₉₀ в чистом виде) при посеве сахарной кукурузы сортов «Замон» и «Мацца» в качестве основных культур на орошаемых площадях. Кашкадарьинской области, светло-сероземные условия и изучали влияние внесения на высоту растений.

Ключевые слова: Зерновая, сахарная кукуруза, сорта кукурузы, основной, вариант, густота посадки, норма удобрений, высота растений.

Annotation: In this article, planting density (111, 74 and 55 thousand plants/ha) and fertilizer rate (N₁₂₀ P₁₀₀ K₆₀, N₁₅₀ P₁₂₀ K₇₅, N₁₈₀ P₁₄₀ K₉₀ in pure form) when sweet corn varieties "Zamon" and "Mazza" are planted as the main crops in the irrigated areas of Kashkadarya region, light gray soil conditions, and the effect of application on plant height was studied.

Keywords: Grain, sweet corn, corn varieties, main, option, planting density, fertilizer rate, plant height.

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда аҳоли сонининг кўпайиши ва ижтимоий-иқтисодий ўсиш туфайли ширин маккажўхорига талаби ортиб бормокда. Ҳозирда маккажўхоридан консерва, нон ва нон махсулотлари, ёрма, бодрок ҳамда кондитер махсулотлари ишлаб чиқариш кенгайтирилмокда. Шу сабабли, Республикамизда ширин маккажўхори етиштириладиган майдонларини кенгайтириш, тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда ширин маккажўхори навларини маҳаллийлаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Экиш меъёрларини тўғри танлаш маккажўхори етиштиришнинг интенси́в технологиясининг асосий элементи бўлиб, ҳосилни 30% га ошириш имконини беради. [1]. Маккажўхори четдан чангланувчи ўсимлик. Шунинг учун уни сунъий равишда ҳам чанглантириш мумкин.

Маккажўхори уруғлангандан сўнг 15-20 кун ўтгач, сут ва 22-25 кун ўтгач, мум пишиш даври бошланади ва ундан 5-10 кун ўтгач, дон тўлиқ пишиб етилади.

Маккажўхорининг ўсиш даври унинг навига қараб 90-140 кунни ташкил қилади. Даврлар оралиғи навни хусусиятларига қараб об-ҳаво шароити ва ишлов берилишига қараб ўзгариб боради. Маккажўхори биринчи даврда секин ўсади. Лекин бу даврда унинг илдиз системаси ўсиши тезлашади ва ривожланади. Гуллагандан кейин ўсиши тўхтади [2, 3, 4].


Маккажўхори дони шакли ва ранги бир неча кўринишда бўлади. Думалок, овалсимон, тишсимон, гуручсимон шаклда, ранги оқ, қаймоқ ранг, бинафша, сарғиш ва турлича тусда бўлади 1000 дон дон вазни кенжа турлари, нав ва дурагайларига қараб ўзгаради. 100-150, 250-300 ва 300-350 г миқдорда ўзгариб боради [5].

Ортиқча пишган бошоқлардаги шакар тезда крахмалга айланади. Кейин маккажўхори ўзининг гастронмик қийматини юқотади. Шунинг учун ўрим-йиғимдан кейин ширин маккажўхори иложи борица тезроқ истеъмол қилиниши ёки консерваланган ёки музлатилган бўлиши керак [6].

Тадқиқот натижалари. Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти тажриба даласида ширин маккажўхорининг «Замон» ва «Мазза» навларини асосий экин сифатида 90x10, 90x15 ва 90x20 экиш схемаларида ва назорат вариантга нисбатан ўғит меъёрларининг $N_{120} P_{100} K_{60}$, $N_{150} P_{120} K_{75}$, $N_{180} P_{140} K_{90}$ кг/га қўллашнинг ўсимлик бўйига таъсири аниқланди.

Тадқиқотлар давомида ширин маккажўхори «Замон» ва «Мазза» навлари асосий муддатда, 90x10 экиш схемасида, маъдан ўғитлар қўлланмаган назорат (ўғитсиз) вариантга нисбатан $N_{120} P_{100} K_{60}$, $N_{150} P_{120} K_{75}$, $N_{180} P_{140} K_{90}$ кг/га ўғит меъёрлари қўлланилганда Замон навида 1; 2; 3; 4-вариантларда ўсимлик бўйи 181,3; 183,6; 186,9; 185,4 см., Мазза навида 13; 14; 15; 16-вариантларда 188,1; 193,2; 196,5; 194,9 см.ни ташкил этган бўлса, шунга мувофиқ экишнинг 90x15 ва 90x20 экиш схемаларида (Замон навида 5; 6; 7; 8 ва 9; 10; 11; 12-вариантлар) куйидагича кўрсаткичлар ва 176,7; 179,7; 182,6; 180,1 см., 172,4; 177,7; 179,0; 178,6 см.ни, (Мазза навида 17; 18; 19; 20 ва 21; 22; 23; 24-вариантлар) 185,7; 188,5; 190,4, 189,8 см., 183,6; 183,6; 187,8; 184,1 см ни ташкил этди.

(1-расм)



1-расм. Ширин маккажўхори навларининг ўсимлик бўйи (2023 йй.)

Юқоридаги кўрсаткичларга кўра, ширин маккажўхори навларининг бўйи бўйича энг юқори кўрсаткич асосий муддатда экилганда 90x10 экиш схемасида ва маъдан ўғит меъёрларининг N₁₅₀ P₁₂₀ K₇₅ кг/га қўлланилганда, «Замон» навида 186,9 см.ни, «Мазза» навида 196,5 см. ни ташкил этган бўлса, энг паст кўрсаткич эса, 90x20 экиш схемасида ўсимлик бўйи назорат (ўғитсиз) вариантда «Замон» навида 172,4 см, «Мазза» навида 183,6 см.ни ташкил этди.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, маъдан ўғитлар меъёри ширин маккажўхори экинининг ўсимлик бўйига сезиларли таъсир этиши, бизнинг тадқиқотларимизда ҳам яққол кузатилди. Бинобарин, маъдан ўғит қўлланилмаган (назорат) вариантларда ўғит қўлланилган вариантларга нисбатан ўсимлик бўйи паст бўлганлиги кузатилди. Бундан ташқари, ўсимлик бўйи бўйича экиш схемаларида катта фарқ бўлганлиги аниқланди.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Урожайность гибридов кукурузы в зависимости от нормы высева семян в лесостепи ЦЧР. Харитонов Михаил Юрьевич 2020 г.
2. Маккажўхори етиштириш [Матн] : илмий нашр / «Агробанк» АТБ. - Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. – 8-9 б.
3. Атабаева Х. Н., Худайкулов Ж. Б. “Ўсимликшунослик”, “Фан ва технологиялар” нашриёти, Тошкент. -2018.
4. Алабушев В. А. Растениеводство / В. А. Алабушев. - Ростов н/Д: Издательский центр «Март», 2001. - 230 с. <https://uz.yellowbreadshorts.com>
5. Д.Ёрматова « Дала экинлари биологияси ва етиштириш технологиясидан амалий машғулот», (Ўсимликшунослик) Тошкент –2001– 58-62 б
6. [Выращивание сахарной кукурузы](#)